ЎХШАТИШ ПОЭТИК ОБРАЗЛИЛИК ТАМАЛИ СИФАТИДА

З.МАМАЖОНОВ

Автор статьи рассматривает сравнение как основной механизм поэтического мышления, как первооснова художественной образности в классической узбекской поэзии. На конкретных примерах раскрыта роль сравнения в реализации ряда фигур бади', их смысловая связь с образной системой поэзии мусульманского Востока, показана роль художественной памяти (контекста) в понимании образного выражения.

The author of this article considers that comparison is the main mechanism of poetic thinking and the main basis of literary figurativeness in the classic Uzbek poetry. Basing his ideas on the concrete facts and examples the author depicts the role of comparison in the realization of a number of figures of 'badi' and their meaningful connection with the figurative system of Eastern muslims. The article also shows the role of figurative memory in understanding the figurative expression.

Аристотель "поэзия ўхшатиш санъати" [1.7] дейди. Албатта, биз буни поэзияда ўхшатишнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида айтмоқчи бўлган фикрларимизни асослаш учун эсга олдик. Худди шу нарса кўпчиликнинг "ахир, Аристотель бу ерда санъатлардан бири бўлган ташбиҳни эмас, "мимесис"ни, яъни "тақлид"ни назарда тутган, фақат таржимада хато кетган" деган эътирозига сабаб бўлиши мумкин. Тўғри, Аристотель "мимесис"ни назарда тутган, русча таржимада бу "подражание" (тақлид) сўзи билан берилган. Лекин шунда ҳам бу шунчаки таржима хатоси эмас, чунки таржимада моҳият, барибир, акс этган. Негаки, қадимги юнонлар "мимесис" деб атаган нарса моҳиятан ўхшатишдир. Шунинг учун ҳам Платон ўзининг "Давлат" номли асарида адабий асар турлари ҳақида гапираётиб "Ўзингни қиёфа ва ё нутқда бошқа одамга ўхшатиш, аслида, ўша ўхшатилаётган одамга тақлид қилиш дегани эмасми?" [3.176] деган саволни қўяди. Поэзия (умуман санъат)ни табиатга тақлид деганларида антик файласуфлар унинг борлиқда мавжуд нарса-ҳодисаларнинг ўхшашини яратишини кўзда тутганлар. Жумладан, Аристотель бундай ёзади: "Баъзи кишилар маҳорат, баъзилар малака сабабли, яна баъзилар туғма истеъдодлари туфайли бўёқлар ва шакллар ёрдамида кўп нарсаларнинг тасвирини – ўхшашини яратадилар" [1.7-8].

Қадимгилар инкишоф этган бу ҳақиқат кейинги даврларда ҳам теран идрок этиб борилдики, ҳозирги илм метафора (яъни бу ҳам ўхшатиш, фақат яширин ўхшатиш) бадиий тафаккурнинг асосий механизмларидан бири эканини тўла эътироф этади. Умуман бадиий тафаккурга хос мазкур хусусият шеъриятда, айниқса, бўртиб кўринади. Ҳатто структурализм вакиллари буни поэзияни прозадан фарқловчи хусусият сифатида тушунадилар. Жумладан, Р.Якобсон "поэзиянинг асосида ўхшашлик принципи ётади", проза эса "алоқадорлик" (яъни метонимия) принципига асосланади деб билади. Яъни поэзия билан проза айни шу фарқ асосида структурализм таълимотида муҳим саналувчи оппозицияни ҳосил қилади [4.130].

Ўхшатиш (аналогия)нинг бадиий тафаккурда тутган ўрни ва аҳамияти нечоғли катта эканлиги антик даврлардаёқ идрок этилган. Жумладан, Аристотелга кўра "яхши метафоралар кашф этиш" истеъдоднинг асосий белгиси, чунки бунинг учун "нарсалардаги ўхшашликни пайқаш зарур" [1.47]. Яъни файласуф мавжуд нарса-ҳодисалар орасидаги ўхшашликни кўра олиш поэтик ижодда ғоят муҳим деб билади. Чунки бошқалар кўролмаган ўхшашликни кўра олиш – кашфиёт, айни шу кашфиёт ҳайрат ҳиссини туғдиради. Бундай кашфиётлар инсоннинг борлиқ ҳақидаги билимларини чуқурлаштиради, шунинг учун ҳам "билим берадиган сўзлар ёқимли", иккита нарсани ўхшатиш эса "турга хос тушунча ёрдамида билим беради ва маълумотлар етказади" [2.128]. Кўряпмизки, файласуф ўхшатиш (бу ўринда бадиий восита эмас, балки тафаккур амали назарда тутилади)ни поэзияга, поэтик тафаккурга хос ўзак хусусиятлардан бири сифатида талқин этмоқда.

Айтиш керакки, орадан икки ярим минг йил ўтгач ҳам Аристотелнинг бундай қарашлари ўз қимматини йўқотган эмас. Масалан, Ё.Исҳоқов мумтоз шеърият ҳақида гап кетганда "кўз олдимизга беихтиёр турлича қарашлар ва ғоялар ифодаси учун хилма-хил оригинал ташбиҳ ва сифатлашлар (эпитет), нозик истиора ва истиоравий образлар келади" [5.108] деб ёзади. Эътибор қилинса, олим санаган бадиий воситаларнинг ҳаммаси (агар бадиий сифатлашларнинг кўпроқ метафорик характердалигини ҳисобга олсак) ўх-

шатиш асосида юзага чиқади. Ё.Исҳоқов фикрини давом эттириб, “Булар, гарчи шеърий санъат сирасига кирса-да, аммо улар классик шеъриятнинг қон-қонига сингиб, унинг зарурий элементига айланиб кетган”ини таъкидлайди [5.108]. Демак, олим буларни, хусусан ва биринчи галда ўхшатишни, шеърий санъат тушунчасидан анча кенг, поэзиянинг моҳиятига сингиб кетган хусусият эканини эътироф этади, шу сабабли ҳам уни “бадиий тафаккурнинг дастлабки элементларидан бири” деб ҳисоблайди.

Юқоридагича қарашларнинг нечоғли асосли эканини бадиий санъатлар тизимида яққол кўриш мумкин. Биз ўз таснифимизда ўхшатиш асосидаги санъатларни алоҳида гуруҳга ажратиб, бу гуруҳга олтита (*ташбиҳ, тамсил, талмиҳ, ирсолу-л-масал, ҳусни таълил, лафф ва нашр*)гина санъатни киритдик. Бироқ бу саналганлар юзага чиқишида ўхшатиш бош омил бўлган санъатлар, холос. Ҳолбуки, булардан бошқа қатор санъатлар ҳам борки, уларнинг эстетик қиммат касб этишида ўхшатиш муҳим воситадир.

Маълумки, биз “мажоз асосидаги санъатлар” гуруҳига киритган истиорага кўпинча қисқартирилган ўхшатиш деб қаралади. Бундай қараш ҳам Аристотелдан бошланган бўлиб, файласуф “Риторика”да “ташбиҳ ҳам метафоранинг ўзи, чунки бу билан унинг орасида сезиларли фарқ мавжуд эмас” [2.119] деб ёзган. Албатта, ҳозирда метафора билан ўхшатиш орасида фарқ йўқ дейиш тўғри бўлмайди. Бу фақат уларнинг қурилиши, яъни бирида ўхшатилаётган ва ўхшаган, иккинчисида эса фақат ўхшаган нарса борлиги билангина боғлиқ эмас. Зеро, улар бир асосдан юзага келган бўлса ҳам, инсон тафаккури тараққиёти билан боғлиқ равишда ўзгариб, тўлишиб ва шунга мос фарқланиб борган тушунчалардир. Буни мухтасар кузатиб кўрамиз.

Платон “ўзини қиёфа ва ё нутқда бошқа одамга ўхшатиш”ни тақлид деб билганини айтдик. Платон ушбу хулосага ўзигача бўлган адабиётнинг, кенгроқ қаралса, инсониятнинг тажрибасини умумлаштириш орқали келган. Негаки, олис архаик замонларда бу ўхшатишнинг асосий кўриниши бўлган. Зеро, архаик инсон ўз атрофидаги нарса-ҳодисаларнинг ҳаммасига жонли, ўзига ўхшаб фикрлайдиган, ҳис қиладиган мавжудот деб қараган. Яъни уларни ўзига ўхшатган, уларни ўзига қиёсан идрок этган. Бундай ўхшатишда объект билан субъект қўшилиб, бирлашиб кетган. Шу жиҳатдан қаралса, мумтоз адабиётда жуда кенг қўлланган, шунингдек, ҳозирда ҳам кенг қўлланувчи *ташхис, интоқ* санъатларини келиб чиқиши жиҳатидан энг қадимийлари дейиш мумкин. Абстракт тафаккурнинг ривожланиши билан инсон ўзини қуршаган нарса-ҳодисаларга ўзидан ташқаридаги нарса сифатида қарай бошлайди ва уларни шу сифатда ўрганишга ҳаракат қилади. Энди ўхшатиш иккита объектни қиёслашга асосланади, яъни ўхшатиш субъекти объектидан ажралади. Тафаккурнинг кейинги ривожи давомида эса инсон ўхшашликка эга деб билган иккита нарсадан бирини аташ билан иккинчисини тушуна оладиган бўлди, яъни *истиора* (метафора) пайдо бўлди. Агар истиорада аввалига фақат кўзга аниқ ташланувчи ўхшашликлар асос қилиб олинган бўлса, кейинчалик, яна тафаккур ривожи билан боғлиқ ҳолда, кўздан яширин (яъни ассоциациялар орқали англанадиган) ўхшашликлар ҳам асос бўла бошлади. Шулардан келиб чиқсак, *ташхис, интоқ, ташбиҳ, истиора* каби санъатларни бир илдиздан келиб чиққан, ўхшатишнинг инсон тафаккури тараққиётининг турли босқичларидаги кўриниши деб ҳисоблаш мумкин. Албатта, буларнинг ҳар бири ўзи пайдо бўлган вақтда энг аввал тафаккур амали (шакли) бўлган, кейин эса адабиётнинг ифода воситасига айланган.

Мумтоз адабиётшуносликдаги талқинларда ҳам бу санъатларнинг ўзаро боғлиқлиги эътироф этилади. Жумладан, Атоуллоҳ Ҳусайний “мажознинг барча навъларин истиора” деб атаган Рашидиддин Ватвотга қўшилмасдан, Қайс Розий изидан борган ҳолда “истиора улдурким, ясоқ ва ирода этилган маъно орасиндағи алоқа ўхшашлиқтур” [7.219] дейди ва фақат ўхшатиш асосидаги кўчимни истиора деб билади. Олим истиора мажоз (кўчим)нинг ўхшашлик асосидаги навъи эканини таъкидлагачгина: “Ақллиғ жондорлардин ўзга тилсиз ҳайвонлар, ўсумликлар, жисмларга хитоб ва аларнинг орасидағи тиғу қалам, куну тун, шамъу гул мунозаралари янглиғ шоирлар яратган мунозаралар ҳам истиора қабилидиндур” [7.220] деб ёзади. Яъни бу билан Атоулоҳ Ҳусайний ташбиҳ, истиора, ташхис ва интоқ санъатлари орасида муштараклик мавжудлигини, бу муштараклик уларнинг ўхшатиш асосига қурилгани билан боғлиқлигини эътироф этади.

Ё.Исҳоқов ташхиснинг “халқ оғзаки ижоди учун характерли қадимий бадиий усул”лиги, ушбу санъатнинг моҳияти махлуқоту нарса-ҳодисаларга “инсон учун хос хусусиятларни” бахш этиб тасвирлаш экани, унинг “рамзий ўхшашликка асосланиши”ни таъкидлайди: “ёғин булутнинг йиғисига, момақалдироқ осмоннинг оҳу ноласига нисбат берилар экан, уларнинг замирида ташбиҳий-истиоравий алоқа ётади” [5.92]. Профессор А.Ҳожиҳмедов эса, аксинча, “Ташхис санъ-

ати ташбиҳ, хусусан, ҳусни таълил санъатлари учун ҳам асос вазифасини ўтайди" [8.39] деб билади. Кўриб турганимиздек, иккала олимнинг қараши битта нуқтада ўзаро зид келади: бири ташхиснинг асоси ўхшатиш деса, иккинчси ташхис ўхшатиш (ташбиҳ)га асос бўлишини айтади. Бир қарашда мазкур иккала фикр ҳам асослидек туюлади. Масалан, А.Ҳожиаҳмедов ташхисга мисол тариқасида келтирган Навоийнинг қуйидаги байтини олиб кўрайлик:

Қатра қонларким томар кўксумга урған тошдин,
Заҳмдиндур демаким, қон йиғлар аҳволимга тош.

Дарҳақиқат, бунда ошиқ кўксини яралаган тошдан ҳамон қон томчиб тургани уни йиғлаётган одамга ўхшатиш имконини яратмоқда. Лекин аслида бу тафаккурнинг иккинчи амали бўлиб, биринчи амал тошнинг инсонга ўхшатилганидир. Яъни аввал тошга шахсга хос хусусият – бировнинг ҳолига қайиша олиш, ҳамдард бўла олиш сифатлари бахш этилган, тош инсонга ўхшатилган. Демак, биринчи босқичда ташхис ўхшатиш асосида юзага келган. Фақат бу ўринда қиёсланаётган объектларнинг бири (одам) акс этмаган, чунки у бадиий тафаккурда шусиз ҳам англашиладиган ҳолга келган, яъни истиоравийлик касб этган. Тафаккурнинг кейинги амалида эса инсонга хос хусусиятларга эга тош конкрет ҳолатга – бировнинг ҳолига ачиниб қон йиғлаётган инсонга ўхшатилади. Шундан келиб чиқсак, байтдаги ташхис ўхшатиш (ташбиҳ) асосида юзага келмоқда, аксинча эмас. Яна бир мисол сифатида Атоийнинг машҳур:

Жамолинг васфини қилдим чаманда,
Қизорди гул уётдин анжуманда, -

байтини олиб қарайлик. Бу ерда "гулнинг қизариши" (табиий жараён) билан "инсоннинг уялганидан қизариши" (буниси табиий психофизиологик жараён) ўхшатилмоқда. Яъни "қизорди гул уётдин" дегани яхлит ҳолида бир истиораки, ўз навбатида у "гул – одам" ўхшатишидан ҳосил бўлган ва бадиий тафаккурда муқим ўринлашган истиора асосида воқеланади.

Маълум бўладики, масалага тарихий (диахрония) аспектда қараганда ўхшатиш ҳаммавақт ташхиснинг асоси (Ё.Исҳоқов) бўлади, эътибор ҳозирги ҳолат билан чегаралаб олинган (синхрония) ҳолдагина ташхис ўхшатиш асоси (А.Ҳожиаҳмедов) саналиши мумкин бўлар экан.

Юқорида кўрдикки, Атоуллоҳ Ҳусайний шеърда "тилсиз ҳайвонлар, ўсумликлар, жисмларга хитоб" қилинишини ҳам истиора қабилидан деб билади. Дарҳақиқат, Ғарбда апострофа деб юритилувчи ушбу усулга ҳам ташхиснинг бир кўриниши сифатида қараш мумкин (А.Ҳожиаҳмедов буни иншо усулларидан бири сифатида фарқлаб, нидо санъати деб атайди). Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Навоийнинг қуйидаги байтини кўриб чиқиш мумкин:

Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимға айт,
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимға айт.

Яққол кўриняптики, тонг шамолига мурожаат этаётган лирик қаҳрамон уни ўзидек кўради, ўзига ўхшатади. Бироқ аслида ўхшатиш амали айни дамда содир бўлаётгани йўқ, аксинча, шоир бу ўринда тайёр истиорадан фойдланмоқда. Зеро, ушбу истиора (шамолни жонли мавжудотдек тушуниш) қадим аждодларнинг дунёни идрок этишга ҳаракатлари натижасида пайдо бўлган ва сўнгра бадиий тафаккурда сақланиб қолган. Яъни моҳиятан ушбу истиора лисоний метафорага ўхшаш. Масалан, "кун ботди" дегани қачондир узоқ ўтмишда метафора бўлган: қадим аждодлар табиий жараён – қуёшнинг уфқда ботиб кетишини бирор нарсанинг, масалан, сувга ботиб кетишига ўхшатиш орқали идрок этганлар. Кейинча унинг метафоралик хусусияти аста-секин йўқолиб (унутилиб), ўша табиий жараённинг номи сифатидагина сақланганки, биз жараённи аташ учун ундан тайёр ҳолда фойдаланамиз, унинг метафоралигини ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Бундан кўринадики, "қуёш ботди" типидаги лисоний метафораларнинг аксарияти қадим аждодларимиз тафаккур амали натижасининг тилдаги излари бўлса, ташхис ва интоқ санъатлари унинг бадиий адабиётда сақланган изларидир. Яъни Атоуллоҳ Ҳусайний ташхис ва интоқ санъатларини истиора демасдан "истиора қабилидан" дегани бежиз эмас. Негаки, истиорадан фарқли ўлароқ, уларнинг иккисида ҳам сўз маъносининг кўчиши кузатилмайди. Айни чоқда, уларни истиорага монанд дейишга асос берадиган битта жиҳат бор: иккиси ҳам ўхшатиш асосида воқе бўлади ва иккисида ҳам истиорадаги каби ўхшатиш объектларидан бири матнда акс этмайди. Худди шу ўринда немис файласуфи Э.Кассирер (1874-1945)нинг бу масаладаги фикрларини эслаш ўринли. Унинг фикрича, тил тафаккур воситаси (инструменти)га айланиш жараёнида қадим аждодларнинг образли-магик тас аввурларини тушунчаларга айлантиради, поэзия эса сўзга азалдан хос бўлган тасвирийлик (образлилик)ни сақлайди, сақлайдигина эмас, уни муттасил янгилаб туради [4.40-41]. Э.Кассирер мифологик мак-

таб қарашларини ривожлантирган ҳолда қадимги инсонларга хос бўлган мифологик тафаккурнинг йўқолиб бориши билан метафоранинг пайдо бўлиши орасида алоқадорлик бор деб ҳисоблайди. Моҳиятан шунга яқин фикрни кейинроқ рус адабиётшуноси О.Фрайденберг ҳам айтади. Айни пайтда, олиманинг қарашларида битта муҳим фарқ бор. Унинг фикрича, метафоранинг пайдо бўлиши мифларга ишонишнинг йўқолиши билан эмас, энг аввал образли тафаккурдаги структура ўзгариши билан боғлиқдир. Яъни архаик образнинг асоси аниқ ўхшатиб бериш (мимесис, тақлид) бўлса, тараққиётнинг кейинги даврларида образ асосига ифодалаш кўзда тутилган маъно қўйилди ва шунинг натижасида метафора юзага келди [6.64-66].

Юқоридагилардан аён кўринадики, лисоний истиора билан ташхисда образлилик турли даражада намоён бўлади, бошқача айтсак, улар образлилик зинасининг турли поғоналарини банд этади. Зеро, лисоний истиоранинг образлилиги деярли йўққа чиққан, ташхис эса ўзида образли тафаккур изларини сақлайди ва анъанавий тарзда бадиий шартлиликка асосланувчи усул, образ сифатида қабул қилинади.

Худди шунга ўхшаш даражаланиш поэтик истиорада ҳам кузатилади. Мумтоз шеъриятда анъанавий тарзда кенг қўлланувчи кўплаб истиоралар (масалан: “юз – гул”, “лаб – лаъл”, “кўз – наргис”, “соч – сумбул” кабилар) борки, улар образли ифода бўлганлари ҳолда, бадиий таъсир кучи ўта сустлашган. Чунки ўқувчилар уларга кўникиб кетганлар, натижада уларга дуч келганда олинадиган завқ ҳам сезиларсиз бир даражага тушиб қолган. Масалан, Навоийнинг қуйидаги иккита байтини шу жиҳатдан қиёслаб кўрайлик:

***Лаб**лари хандон бўлур, кўргач кўзумда йиғламоқ,*
*Кўзларим йиғлар, **лаби** жонбахшида кулгу кўруб.*

***Лаъл**и жонбахшингга маънус ўлса рухсоринг,*
не тонг
Ким, Масиҳога бўлур хуршиди рахшон бирла унс.

Байтларнинг биринчисида “лаб” сўзи ишлатилган бўлса, иккинчисида худди шу маънони ифодалаш учун “лаъл” сўзи қўлланган. Яъни “лаъл” истиораси номинатив функцияни бажаради ва ўз ҳолича образли ифода сифатида қабул қилинмайди. Бу ўринда “ўз ҳолича” дейишимизга сабаб шуки, аввало, иккала байтда ҳам бирикма доирасида образли ифода воқе бўлади: “лаби жонбахш”, “лаъли жонбахш”. Изофали бирикмада “жонбахш” сифатлаши билан бирга қўлланиши “лаъл” истиорасига яна поэтик бўёқдорлик бераради. Чунки “жонбахш” сифатлаши ассоциатив тарзда “лаъл” – лаб билан бошқа объектлар (образлар)ни қиёслашга олиб келади. Мисолга олинган иккинчи байтда бу қиёс матнда акс этган: “лаъли жонбахш” матнда “ўликка жон бахш” этгани ривоят қилинувчи Масиҳга қиёсланади. Биринчи байтда эса “жонбахш” сифатлаши орқали шу қиёсга ишора қилиш билан чекланилган. Кўряпмизки, биринчи байтдаги истиора адабий анъаналар контекстида, иккинчи байтдаги истиора эса матн (байт) доирасида эстетик қиммат касб этади. Яъни, агар ҳар қандай тил бирлиги бадиий матн таркибида эстетик функция бажара олиши эътиборга олинса, ушбу истиораларнинг ўз маъносида қўлланган сўздан фарқ қилмаслигини эътироф этиш лозим бўлади.

Аён бўладики, бу типдаги истиоралар икки сабабга кўра: 1) фақат бадиий матн таркибида қўлланиши; 2) адабий анъаналар контекстида ҳар гал образлиликни янгидан жилолантиргани сабабли ҳам лисоний истиора даражасига тушиб қолмайди. Негаки, мазкур икки омил уларда имконият тарзида мавжуд бўлган образлиликни ҳар гал янгидан намоён этади. Бунга амин бўлиш учун яна Навоий “лаъл” истиорасини қўллаган қуйидаги байтни кўриб ўтиш мумкин:

Ўлмиш эрдим ғам туни, лаълинг хаёли берди жон,
Зулмат ичра оби ҳайвон бўлди пайдо оқибат.

Аввало, ушбу байтда мавжуд ўхшатиш амалларини санаб ўтамиз:

1) ғам – тун,
2) лаб – лаъл,
3) ғам туни – зулмат,
4) лаълинг хаёли – оби ҳайвон.

Биринчи истиора – “ғам туни” бирикма доирасида юзага чиқиб, лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини тавсифлайди. Руҳий ҳолат (ғам – мавҳум тушунча)нинг конкрет нарса (тун – конкрет от) орқали ифодаланиши образга аниқлик бахш этади. Яъни бу ўринда атаб (ўзга шахсга тушунча сифатида етказиб) бўлмайдиган ҳолатни тасвирлаб кўрсатиш орқали ҳис этиш имкони яратилмоқда. Зеро, бундай ифода туфайли бирда-ярим тунни ёлғиз ва бедор ўтказганки одамнинг аналогия асосида лирик қаҳрамон ҳолатини ҳис этиши осонлашади. Иккинчи истиора адабий анъана доирасида воқеланади (яъни бу ўринда ўқувчи онгида матннинг бошқа матнлар билан чақин тезлигидаги алоқаси амалга ошади). Учинчи ва тўртинчи тартибда кўрсатилган ўхшатишлар ҳам худди шу каби матнлараро алоқа асосида юзага чиқади,

яъни биринчи мисрадаги лирик қаҳрамон ҳолати ривоятлардаги “оби ҳайвон зулматда бўлади” деган ҳолатга ўхшатилади ва шу тариқа “ғам туни – зулмат”, “лаълинг хаёли – оби ҳайвон” қиёсларини ўтказиш имкони пайдо бўлади. Бундан кўринадики, байтдаги поэтик ифоданинг тагзамини ўхшатиш, у ўхшатиш асосига қурилган экан.

Юқоридаги таҳлилда истиоранинг муҳим бир функцияси яққол кўзга ташланади. Бу ҳам бўлса, истиоранинг ҳамиша бадиий хотирага мурожаат этиши ва шу туфайли анъана ва янгиликни ўзаро боғловчи ҳалқа вазифасини ўташидир. Зеро, масалан, “лаъл” сўзи “лаб” маъносида қўлланганини билиш учун бадиий анъана хотирланиши – “лабинг лаълдек”, “лаъл каби ол лаб” қабилидаги ташбиҳларнинг эсланиши тақозо этилади. Бадиий хотирадаги ўхшатишлар эса, худди “лаб – лаъл – жонбахш – оби ҳайвон – Масиҳ” силсиласида кузатганимиз каби, қат-қатланиб янгидан-янги образли ифодаларни юзага келтираверади. Шу тариқа истиорада анъана ва янгилик, умумийлик ва индивидуаллик ўзаро диалектик алоқада яшайди. Асосийси, ҳатто анъанавий поэтик истиора ҳам, қай даражада охорсизланганидан қатъи назар, янги образли ифода учун хом ашё бўлиб хизмат қилади. Буни эса, масалан, юқорида қиёсланган Навоий байтларидаги “лаби жонбахш” бирикмасига нисбатан “лаъли жонбахш” бирикмасининг бадиий бўёқдорроқ экани яққол кўрсатади. Қиёсда кўрдикки, якка ҳолида “лаъл” истиораси бадиий функционаллик жиҳатидан “лаб”га тенг, яъни номинатив функция бажаради. Бироқ “жонбахш” сўзи билан қўшилганида “лаби жонбахш”га нисбатан образли. Чунки, айтиш мумкинки, “жонбахш” сўзи истиоранинг ўзига ҳам жон бағишлайди, натижада умуман “жонбахш лаб” эмас, балки “жон бахш этувчи лаъл каби лаб” тасаввур қилинади.

Истиоранинг илми бадиъдаги талқини ҳозирги адабиётшуносликдаги метафора талқинига нисбатан торроқ. Зеро, унда истиора ўхшатиш асосида кўчма маънода қўлланган сўз доираси билан чекланади. Ҳолбуки, ҳозирги адабиётшунослик метафора битта сўз (кўчим), матннинг бир қисми (поэтик образ) ва бутун бошли асар даражасида намоён бўлиши мумкинлигини эътироф этади. Бироқ юқорида кўрганимиз Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг ташхис ва интоқ санъатларини “истиора қабилидин” [7.220], Қайс Розийнинг эса тамсилни “бу ҳам истиора жумласидиндур, аммо бу истиоранинг мисол янглиғ йўлидур” [7.220] деб билганлари мумтоз адабиётшуносликда ҳам истиора кўчим даражасида қолиб кетмаслиги теран идрок этилганини кўрсатади. Уларни бу хулосага олиб келган сабаб эса, бизнингча, мазкур санъатларнинг юзага чиқиш механизми бир хил экани, яъни ҳаммасининг ўхшатиш асосида воқеланишидир.

Демак, юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, мажоз асосидаги санъатларнинг асосий қисми (истиора, ташхис, интоқ) генетик жиҳатдан ўхшатишга бориб тақалади. Бошқача айтсак, улар моҳиятан ўхшатиш, фақат ўхшатиш амали қай тарзда ифода этилгани жиҳатидангина фарқлидир. Шуни назарда тутиб, яъни санъатнинг юзага чиқишида маъно кўчиши (мажоз) бош омил эканлигидан келиб чиқибгина биз таснифда уларни алоҳида гуруҳга бирлаштирдик.

Адабиётлар:

1. Аристотель. Поэтика.- Т.,1980.
2. Аристотель. Риторика.Поэтика - М.: Лабиринт,2000.
3.Платон. Сочинения. В 3-х т. Т.3.Ч.1. - М.: «Мысль»,1971.
4. Теория метафоры.- М.: Прогресс,1980.
5. Ё.Исҳоқов. Навоий поэтикаси.
6. Поэтика: Труды русских и советских поэтических школ.- Будапешт, 1982.
7. Ҳусайний А. Бадойиъ ус санойиъ: Форс тилидан. А.Рустамов таржимаси.- Т.: Адабиёт ва санъат, 1981.
8. Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия.- Т.: Шарқ,1998.

Андижон давлат университети,
2012 йил 12 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)